Qishloq hayoti

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 8-fevral, payshanba 16 (8879)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

2018 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқотда икки давлат раҳбарлари 2017 йил октябрь ойида Туркия Республикасига амалга оширилган олий даражадаги самарали ташриф кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққанини мамнуният билан қайд этдилар.

Ушбу тарихий ташриф якунлари бўйича эришилган аниқ келишув ва имзоланган битимларнинг бажарилиши, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, банк-молия, транспорт, туризм ва бошқа муҳим соҳалардаги йирик қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Мазкур келишувларни ҳаётга тўлиқ ва ўз муддатида татбиқ этиш, муҳим лойиҳаларни жадаллаштириш мақсадида икки давлат ҳукуматлари ўртасида мунтазам равишда мулоқотлар олиб борилиши ва учрашувлар ўтказилиши юзасидан келишиб олинди.

Режеп Таййип Эрдўғон Ўзбекистонда Туркия фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз режим жорий этиш бўйича қарор қабул қилинганини юксак баҳолаб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти мазкур қарор олий даражадаги учрашувлар доирасида эришилган келишувларнинг амалий натижаси эканини алоҳида қайд этди. Бундай қарор қабул қилиниши савдо-иқтисодий, инвестиция ва туризм соҳаларида янги имкониятлар яратишга хизмат қилиши ва, энг асосийси, қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, Туркия фуқароларининг Ўзбекистонга келишлари учун кенг йўл очиб беришини таъкидлади.

Мулоқотда халқаро ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси делегациясини минтақада тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича халқаро конференцияга таклиф этди.

Ўз навбатида, Режеп Таййип Эрдўғон ушбу ташаббусни юксак баҳолаб, уни амалга оширишни тўлиқ қўллаб-қувватлаши ҳамда мазкур тадбирда Туркиядан юқори даражадаги вакиллар иштирок этишини билдирди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик алоқалари ҳамда анъанавий яқин ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканларини яна бир бор тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғонга мамлакатимизга давлат ташрифи билан келишни таклиф этди.

ЎзА

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 февраль куни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган.

Ўтган йиллар мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ, шу пайтгача хотин-қизлар манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича самарали механизм яратилмаган.

Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари йиллар мобайнида фақатгина турли тадбир ва йиғилишлар ўтказиш билан чекланиб, ижтимоий вазияти оғир оилалар, аёллар ва ёш қизларга чинакам ёрдам бериш бўйича самарали фаолият олиб бормаган. Бунинг оқибатида жойларда кўплаб масалалар тўпланиб қолган, уларнинг ечими бўйича аниқ манзилли ишлар амалга оширилмаган.

Ўтган йили жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилиб, хотин-қизлар ҳаётидаги муаммолар ўрганилди. 2017 йил жами 5 миллиондан ортиқ хонадонга кириб борилиб, оилалар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, 22 минг оила ажрашиб кетишининг олди олинди, 36 минг хотин-қиз ишга жойлаштирилди, 14,5 минг юртдошимизга имтиёзли кредит олишда ёрдам берилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бу оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган муҳим ишларнинг бир қисми, холос. Ҳали бу борада амалга ошириш зарур бўлган қатор долзарб вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони шу мақсадда қабул қилинди.

Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Оилага эътибор аслида бу ўзлигимизга эътибордир.

Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари фаолияти қониқарсиз экани, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, эрта никоҳлар, ажрашишлар ва аёллар жиноятчилигининг олдини олишга етарлича эътибор берилмагани таъкидланди.

Охирги йилларда ажрашишлар сони ҳар йили 10-11 фоизга ошиб боргани ташвишланарлидир. 2017 йилда 31 мингдан зиёд ажралиш ҳолати қайд этилган. Бунинг оқибатида, асосан, аёллар ва болалар жабр кўрмоқда. Аёллар ўртасида жиноятга қўл уриш ҳоллари кўп учрамоқда.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонида шу каби муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, аниқ вазифалари, мақоми белгилаб берилди.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органи фаолиятини мувофиқлаштириш туман ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилди. Бу билан жойлардаги хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари ҳамда Республика қўмитасининг имконияти ва таъсири кучайтирилди.

Оналар ва гўдаклар ўлими қайд этилаётгани, ногирон болалар туғилаётгани – хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича ишлар мутлақо қониқарсиз эканини кўрсатмоқда. Ҳар йили 95 фоиз ҳомиладор аёллар перинатал скрининг текширувидан ўтказилсада, натижаси амалда сезилмаяпти. Шу боис оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида "аёллар маслаҳатхоналари" ташкил этилиши белгиланди.

Республика комиссияси ва 7 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бу борадаги ишлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Топшириқларга мувофиқ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг барча бўғинларидаги раҳбарлар фаолияти танқидий ўрганилиб, вазифасига нолойиқ кадрлар ўзгартирилади.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ва ногирон хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, улар билан якка тартибда ишлаш тизими жорий этилади.

"Оила" маркази ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Судлар томонидан қарор қабул қилинаётганда, биринчи навбатда, ажралишларнинг олдини олиш, мазкур жараёнда аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, уларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган чоралар кўриш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Жойлардаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари фаолияти танқидий ўрганилиб, уларга ўз вазифаси моҳиятини тушунадиган, адолатли, оилавий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган, профессионал кадрлар тайинланади.

Ишлаш истаги бўлган хотин-қизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёлларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳалла кесимида иш олиб борилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, шунингдек, ўтган йили махсус рўйхатдан чиқарилган 2 минг 587 нафар диний оқим аъзоси бўлган аёлларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, кам таъминланган оилаларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш, республика скрининг ва репродуктив марказлари хизматларини янада ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилади.

Йиғилишда соҳада олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди. Истиқболдаги муҳим вазифалар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ИЧКИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида:

1. "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Амалий чора-тадбирлар режаси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда туризм инфратузилмасининг бандлигини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар миқёсида турлар ва экскурсияларни ташкил қилиш жадвалларини тасдиқласин;

ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича ахборот-тарғибот тадбирларининг мунтазам ўтказилишини таъминласин;

туристлар оқимининг мавсумийлиги ҳамда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси тўлиқ жалб этилишини инобатга олиб, шу жумладан туризм фаолияти субъектларини жалб этган ҳолда Амалий чора-тадбирлар режасининг самарали амалга оширилиши учун зарур чоралар кўрсин;

б) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида, шу жумладан республиканинг барча шаҳарларида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" шиори остида ташқи реклама воситаларини (шит-баннерлар ҳамда ташқи экранлар учун роликлар) тайёрлаш ва ўрнатиш йўли билан ички туризмни кенг тарғиб қилиш тадбирлари ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан жойлаштириладиган ташқи реклама ижтимоий рекламага тенглаштирилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 2018-2020 йилларда республиканинг ҳар бир ҳудудида камида 100 та жой ҳисобга олиниб марказий кўчалар, аҳоли гавжум жойлар ҳамда трассаларда жойлашган шитлар, экранларда ички туризмга оид ташқи реклама беғараз ўрнатилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туристик-экскурсия турлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар:

таълим муассасалари ўқувчилари учун – ўз маблағлари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан;

ташкилотлар ходимлари учун – ўз маблағлари, иш берувчи маблағлари (бюджет ташкилотлари учун – ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари) ва жамоавий шартномаларга мувофиқ бошқа маблағлар ҳисобидан;

етим болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлиги бўлган шахслар учун уларнинг умумий сонидан камида 20 фоизи қамраб олиниши таъминланган ҳолда – хайрия маблағлари, шунингдек, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети кўрсаткичларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан;

(Давоми 2-саҳифада)

Бухоро вилояти

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

ХАЛҚ ИШОНЧИГА МУНОСИБ БЎЛ, ЎҒЛИМ!

Президентимизнинг 2018 йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ёшларни миллий армиямиз сафларига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Тадбирда Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли миллий армиямиз юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, жисмонан ва маънан баркамол ҳарбийлар билан таъминлангани таъкидланди.

Майдонда саф тортган ўктам аскарлар чеҳрасида Ватан ҳимоясидек шарафли ишга ҳисса қўшиш бахтига муяссарликдан мамнунлик уфуриб турибди.

– Гарчи Бухоро маданият коллежини тугатиб, вилоят мусиқали драма театрида ишлаётган бўлсам-да, ҳарбий бўлиш орзуси бир зум хаёлимни тарк этгани йўқ, – дейди Бухоро шаҳридан бўлажак аскар Рафиқ Икромов. – Бугун жуда бахтиёрман. Аммо бунга эришиш осон бўлгани йўқ. Тарих, ўзбек тили, математика фанларидан ўтказилган тест синовлари ва жисмоний тайёргарлик бўйича мусобақада яхши натижаларга эришганим боис, сараланганлар қаторидан ўрин олдим. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг, албатта, шу соҳада олий маълумот оламан ва профессионал ҳарбий бўламан.

Йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатгани уларнинг ота-оналари, оила аъзолари, яқинлари келган. Юзларида ҳаяжон, қалбларида қувонч.

– Эгнида ҳарбий либоси ярашиб турган ўктам йигитлар орасида набирам Мирфайз ҳам бор, – дейди 77 ёшли Мансур ота Қурбонов. – Унга ва тенгдошларига қараб, бундан салкам олтмиш йил илгари ўзимнинг армия сафига кетаётган кезларим эсимга тушди. Биласизми, ўшанда эгнимизга қишлик кийимларни кийиб олганча уч кун поезд келишини кутиб, Бухоро шаҳридаги корхоналарнинг бетон ётқизилган совуқ залида тунаганмиз. Қаерга хизматга кетаётганимизни сўрасак, борганда билиб оласан, деган қисқа жавобни эшитардик. Тузум шунақа эди-да. Ўз Ватанингга, ўз армиянгга нима етсин. Бугунги аскар йигитларга қайси вилоятда, қанақа ҳарбий қисмда хизмат қилиши маълум. Уларга ҳавасим келади.

Хайрлашув ниҳоясига етди. Муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ҳам байрам. Шунга монанд дастурхон тузалди, ош тортилди. Маросимда муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган йигитларга вилоят ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари топширилди.

– Йўлинг ойдин бўлсин! Президентимиз, халқимиз ишончига муносиб бўл, болам! – деди ўғилларини кузатган оналар.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев сўзга чиқди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz

«Qishloq hayoti»

2018-yil 8-fevral, payshanba 16 (8879)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ИЧКИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

пенсионерлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун – ўз маблағлари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан;

фаол хотин-қизлар учун – ўз маблағлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маблағлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан;

маҳалла фаоллари ва ёш оилалар учун – ўз маблағлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тенглик асосида қопланади.

Мазкур Дастурда иштирок этиш ихтиёрий эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига:

жамоавий шартномаларга рағбатлантириш чораси сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ўз ходимларининг камида 10 фоизини оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини ташкил қилиш нормасини киритиш;

ходимларга меҳнат қонунчилигига мувофиқ улар учун қулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериш;

Дастур тадбирларини амалга ошириш доирасида ҳар йили 30 декабргача давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун туристик-саёҳат турларини ташкил қилиш жадвалларини тасдиқлаш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси давлат органлари ва бошқа ташкилотларга гуруҳли саёҳатларни ташкил қилиш учун маҳаллий туроператорлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, меҳмонхона ва транспорт ташкилотларига ташкил этилган турлар, шу жумладан яшаш ва келиб-кетиш (учиб бориш) учун имтиёзлар тақдим этиш бўйича таклифлар юборишда ёрдам кўрсатсин.

8. 2018 йил 10 февралдан бошлаб 3 йил муддатга қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга кўра:

иш берувчининг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туристик йўлланмаларни сотиб олиш харажатлари ходимнинг даромади сифатида кўриб чиқилмайди ҳамда юридик шахсдан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда чегириб қолиниши лозим;

жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадлари Ўзбекистон Республикаси бўйлаб туристик йўлланмаларни туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан сотиб олишга йўналтирилган харажатлар суммасига камайтирилади. Бунда туристик йўлланма (айирбошланадиган ваучер), авиа ва темир йўл чипталари, автотранспорт ташкилотларининг ҳисоб-фактуралари (чипталари) ва жойлаштириш воситалари чеклари тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади;

туризм соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектларнинг солиқ солинадиган базаси Ўзбекистон туризм бренди ва "Uzbekistan. travel" сайти рекламаси бўлган босма маҳсулотларни (хариталар, рисолалар, буклетлар, флайерлар ва бошқалар), сувенир ва қадоқлаш маҳсулотларини (сумкалар, пакетлар, мактаб дафтарлари, ёрлиқлар, ғилофлар, кийим-кечаклардаги ва ошхона анжомларидаги ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтириладиган харажатлар суммасига камайтирилади.

9. Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сайёҳлик турларини сотиб олиш учун 10 миллион сўмгача истеъмол кредитларини ажратиш ва кредитни иш ҳақи ҳисобидан қоплаш имкониятини бериш тавсия этилсин.

10. Белгиланснинки:

туризм объектлари (меъморий ёдгорликлар ва бошқалар) ҳамда инфратузилмаси (меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ва бошқалар) жойлашган жойларнинг белги-ишоралари ва кўрсаткичларини ўз ичига олган тематик туристик хариталар ададини кўпайтириш ва уларни тарқатишга картография ишларини амалга ошириш учун лицензия (рухсатнома) олиниши талаб этилмайди;

туристларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (давлат музейлари, галереялар, маданий мерос объектлари ва қўриқланадиган табиий ҳудудлар маъмуриятлари ва бошқалар) ўз фаолиятидан тушадиган тушумларнинг камида 5 фоизини ўз фаолияти ҳамда тақдим этаётган туризм хизматлари баён этилган реклама-тарқатиш материалларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш ва ададини кўпайтириш учун мажбурий тартибда йўналтиради. Бунда ушбу мақсадларга йўналтирилган харажатлар суммаси бу ташкилотларнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариб ташланади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга туман ва шаҳарларда жойлашган ҳамда асосан муҳандислик коммуникациялар билан таъминланган фойдаланилмаётган ер участкаларини 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича уч ой муддатда хатловдан ўтказсин ҳамда кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хулосасига асосан ҳар бир ҳудудда умумий майдони камида 20 гектар бўлган 20 та ер участкаси ҳисобидан келиб чиқиб, туризм соҳасидаги лойиҳаларни (меҳмонхоналар, меҳмонхона уйлари, кемпинглар, мотеллар ва бошқа жойлаштириш воситалари, тематик хиёбонлар, музейлар, галереялар ва бошқа иншоотлар қуриш) амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ҳамда потенциал инвесторларга тақдим этиш учун ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан танлаб олинган фойдаланилмаётган ер участкаларида 2018-2022 йилларда туризм инфратузилмасини ташкил этиш доирасидаги харажатлар:

янги лойиҳалар (макетлар) нинг дизайн-эскизларини ишлаб чиқиш учун – бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари;

муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун – тегишли туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда туристик йиғимлар, меҳмонхона хизматларини сертификатлаш ҳамда жойлаштириш воситаларининг жавобгарлик қоидаларини сақлаб қолган ҳолда, ташриф буюрувчиларни рўйхатга олиш бўйича махсус электрон автоматлаштирилган дастурда жойлаштириш воситалари орқали хусусий уйларга (хонадонларга) меҳмонларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этсин;

туризм тоифасига оид меҳмонхоналар ва меҳмонхона уйларининг намунавий лойиҳаларини, шу жумладан хорижий лойиҳа ташкилотларидан бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан сотиб олсин ва кейинчалик ушбу лойиҳаларни туризм инфратузилмаси объектларини қуриш ташаббусини кўрсатган тадбиркорлик субъектларига беғараз тақдим этсин. Бунда намунавий лойиҳаларни муайян ҳудудга бириктириш Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан беғараз асосда таъминланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризмни янада ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмаларини такомиллаштириш мақсадида ҳудудларда кичик туризм зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгиланснинки, кичик саноат зоналари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидалари кичик туризм зоналарига ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июлига қадар тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратишнинг соддалаштирилган механизмини жорий этган ҳолда ҳудудларда кичик туризм зоналарини яратиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда қуйидаги суммалар учун солиқ солинадиган базани камайтириш тартибини бир ой муддатда тасдиқласин:

100 миллион сўмгача – хўжалик юритувчи субъектларнинг 2020 йилнинг 1 январига қадар санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиена тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ва қуришга йўналтирилган харажатлари;

12 миллион сўмгача – ҳар йили 2025 йилнинг 1 январига қадар хўжалик юритувчи субъектларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини (фаррошлар иш ҳақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш), туризм инфратузилмаси объектларини (тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфратузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган ҳудудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларни) сақлашга йўналтирилган харажатлари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг хулосаси асосида замонавий санитария-гигиена тармоқларини яратиш лойиҳаларини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларга шаҳарлар ва туманларнинг тегишли қисмларида реклама ва ихчам савдо нуқталари учун жойлар тақдим этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Амалий чора-тадбирлар режаси бажарилиши устидан доимий мониторингни;

мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга режалаштирилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли қарорларни қабул қилиш учун ҳар чоракда таклифлар киритилишини таъминласин.

17. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Арипов):

ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан доимий ва тизимли назорат ташкил этилишини;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар – масъул ижрочилар раҳбарларининг Амалий чора-тадбирлар режасини сўзсиз амалга ошириш борасида улар томонидан кўрилаётган амалий чоралар ҳақидаги ҳисоботлари ҳар чоракда эшитиб борилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 сентябрдаги "Тошкент шаҳрида "Эски шаҳар" туризм зонасини барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3260-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмурадов ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 7 февраль

Навоий вилояти

УЛУҒ МУТАФАККИРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Навоий шаҳрида "Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзусида II халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилдан буён Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятда мутафаккирнинг таваллуд айёми анъанавий тарзда халқаро конференция тусида ўтказиб келинмоқда.

Ўтган йили халқаро анжуманда Венгрия, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа давлатларидан ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларидан 150 нафарга яқин навоийшунос олимлар, таниқли академик ва профессорлар иштирок этган эди.

Бу йилги конференцияда республикамизнинг 200 нафарга яқин навоийшунослари ҳамда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан, хусусан, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Эрон, Тожикистон, Афғонистон ва дунёнинг бошқа бир қатор давлатларидан нуфузли олимлар, тадқиқотчилар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб вилоят марказидаги Алишер Навоий номи билан аталувчи истироҳат боғида қад ростлаган шоир ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, улуғ мутафаккирга эҳтиром кўрсатдилар.

Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази"да бўлиб ўтган халқаро конференцияда буюк мутафаккир ҳаёти ва ижоди, бебаҳо мероси, аллома асарларининг инсоният тамаддунидаги аҳамияти хусусида сўз юритилди.

– Мир Алишер Навоий нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё халқларининг севимли шоири ва атоқли мутафаккири саналади, – дейди конференция иштирокчиси, Афғонистон давлат университети доценти Нурулло Олтой. – Бундай буюк аллома билан чексиз фахрланамиз. У кишининг ҳар бир байтидан одоб ва ахлоққа оид фалсафий маслаҳат олиш мумкин. Бугунги анжуман улуғ сўз санъаткори ва мутафаккир меросининг янги-янги қирраларини очди.

Халқаро конференцияда сўзга чиққанлар томонидан ҳозирги глобаллашув даврида миллий ўзликни англаш, аждодларимиз яратган бетакрор илмий-ижодий меросни чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар онгига сингдириш муҳим аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди.

– Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий нафақат ўзи ижод қилди, балки бошқа иқтидорларга ҳам шеърият йўлини очиб берди, илм аҳлига имкониятлар яратди, – дейди Олмаота шаҳридаги Қозоқ миллий университети декани, профессор Азамат Акбаров. – Анжуманда "Навоий педагогика мактабини ёритиш" мавзусида тайёрлаб келган маърузам билан иштирок этдим.

– Мен ўтган йили Навоий шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этган эдим, – дейди Озарбайжондан ташриф буюрган филология фанлари доктори, профессор Олмос Улви. – Бу йилги анжуманда ҳам иштирок этаётганимдан бахтиёрман. Эътиборлиси, бу йилги анжуман нуфузи ўтган йилгидан анча юксалганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Конференция доирасида ўрганиладиган мавзулар аҳамияти жиҳатидан барча олимларни Навоийнинг бой маънавий мероси юзасидан янги тадқиқотлар олиб боришга чорлади.

– Алишер Навоийнинг илм-фан ва бадиий ижод соҳасида амалга оширган ишлари, жумладан, назм, наср, тарих, дин, тасаввуф, адабиётшунослик, тилшунослик йўналишларида яратган дурдона асарлари асрлар оша башариятни ҳайратга солиб келмоқда, – дейди академик Наим Каримов. – Буюк бобокалонимизнинг ўз даврида давлат арбоби, муҳрдор, вазир, олим, ҳоким сифатида ном қозониб, халқпарвар инсон тимсолида тарихда қолгани, юрт тинчлиги, фаровонлиги, ободлиги йўлидаги эзгу ва хайрли ишларни амалга оширгани барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунасидир. Алишер Навоий томонидан туркий ва форсий тилларда яратилган бебаҳо асарлар, нодир девонлар, шоҳ байтлар беш асрдан буён инсоният йўли ва қалбини маърифат нурлари билан мунаввар этиб келмоқда.

Халқаро конференция Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида санъаткорларнинг концерт дастури билан давом этди.

Анжуман муносабати билан вилоятда ўзига хос тарзда "Навоийлик ёш навоийхонлар" кўрик-танлови ташкил этилди. Унда вилоятдаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари фаол иштирок этди. Галаконцерт аввалида мазкур кўрик-танлов ғолиблари тантанали равишда тақдирланди. Юздан ортиқ вилоят ёшлари иштирок этган танловда олий ўринни қўлга киритган Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Иброҳим Ғаффоровга Президент совғаси – "Спарк" автомашинасининг калити топширилди.

Навоий ғазаллари асосида ижро этилган куй-қўшиқлар эса барчага бир олам қувонч бағишлади.

Анжуманда Навоий вилояти ҳокими Қ.Турсунов сўзга чиқди.

Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Назм ва наво" кечаси ўтказилди.

Назм ва наво кечаси

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топганлигининг 535 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали кечада икки забардаст сўз ижодкорининг асрлар давомида инсонийликнинг энг олий чўққиларини тараннум этиб келаётган ўлмас асарларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилиб, ғазал ва рубоийлари ўқилди.

Мамлакатимизда буюк аждодларимиз қолдирган меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш, китобхонлик маданиятини янада ривожлантириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Алишер Навоий бой маънавий мероси миллатимиз маънавиятини юксалтириш, ёшлар онгида эзгулик, ватанпарварлик, юртга садоқат каби туйғуларни мустаҳкам қарор топтиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир ижоди, унда тараннум этилган инсонпарвар ғоялар асрлар оша халққа хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда шоир ғазал ва рубоийлари мусиқийлиги, оҳангдорлиги, жозибаси, теран маъноси, юксак бадиияти билан дунё олимлари, мусиқашуносларини, адабиётшуносларининг эътиборини жалб этиб келмоқда.

Мумтоз адабиётимизнинг яна бир йирик намояндаси Бобур наинки беназир шоир, балки тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда сифатида жаҳонда ном қозонган. Бобур ғазаллари унинг нечоғли юксак тафаккур, гўзал қалб, айни дамда нозик дид соҳиби эканидан далолат беради. Ўзи туғилиб ўсган заминга, одамларга, борлиқ-табиатга чексиз меҳр ва эҳтиром, эзгуликка чорлов унинг ижодида устувор ўрин тутгани боис ёш авлод тарбиясида улкан аҳамият касб этади.

Таниқли санъат усталари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар санъатга ошно ҳар бир юракка чексиз завқ шавқ бағишлади. Айниқса, жонли ижро жозибаси йиғилганларни янада хушнуд этди.

Инобат МАТЁҚУБОВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё вилояти

Бу йил қиш фаслининг қуруқ келганлиги тупроқнинг унумдор қатламида ҳашаротлар, зараркунандалар уруғлари яшаб қолишига қулай шароит яратди. Уларни йўқотиш, тупроқ шўрини чўктириш учун асосий майдонларда яхоб беришни сифатли амалга ошириш, совуқ ҳарорат ҳосил қилиш орқали зараркунандалар уруғларини чиритиб, бартараф этиш зарур.

ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ТАХТ

Бу масъулиятни чуқур ҳис қилган вилоят пахтакорлари 2018 йил ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Айни пайтгача 37 минг гектар майдонда шўр ювиш ишлари сифатли амалга оширилди. Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё, Мирзаобод туманлари деҳқонлари тупроқда кўпроқ нам тўплаш, ҳашаротларни бартараф этиш мақсадида чел олиб, майдонларни яхобга қондирмоқдалар.

Вилоятда баҳорги экиш-тикишга техника воситаларини тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари ҳам қизғин олиб борилмоқда. Ҳозиргача 525 та чигит экиш сеялкаси, 976 та культиватор, 5826 дона тишли борона, 145 та катта, 241 та кичик чизель, 956 та чопиқ трактори, 164 та пушта тортиш мосламаси, 119 та ер текислаш агрегати тўла таъмирдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Қишлоқ хўжалик техникаларини баҳорги экиш мавсумига тайёрлашда гулистонлик машина-трактор парки таъмирчилари бошқаларга ибрат бўлишмоқда. Туманда бу йил 10 минг гектардан зиёд майдонга чигит экиш режалаштирилган. Тайёргарлик ишлари ҳам ана шу юксак мақсадга яраша ташкил этилаётир. Пайвандчи Ўктам Устемиров, темирчи Саттор Ниёзов, Иномжон Жўраев, Қаҳрамон Беркинов, слесарь Отабой Алиқулов, Мурод Серикбоев сингари ишчилар ғайрат-шижоат кўрсатаётганликлари туфайли техникаларнинг асосий қисми таъмирдан чиқарилиб, дастлабки кўрикдан ўтказилди. Машина-трактор парки устахонасида ишлар қизғин давом эттирилмоқда. Зарур эҳтиёт қисмлар устахона темирчилик цехида тайёрланаётганлиги таъмирлаш ишлари сифатини янада яхшилаш имконини беряпти. Ишчи-хизматчилар учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган.

– Машина-трактор парклари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор натижасида паркимизга 70 дан ортиқ замонавий техника воситалари келтирилади, – дейди Гулистон тумани машина-трактор парки раҳбари Сафарбой Қаҳҳоров. – Янги техникалар дала ишларини юқори суръатда ўтказилишини таъминлайди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах вилояти

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш том маънода янги босқичга кўтарилди десак, муболаға бўлмайди. Ҳам янги бўш иш ўринлари яратилишига, ҳам мамлакат иқтисодиёти ривожига муҳим улуш қўшадиган тадбиркорлик ҳаракатини янада кенгайтириш борасида вилоятда салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

ЖИЗЗАХ САНОАТИДА ЯНГИ САҲИФАЛАР ОЧИЛМОҚДА

"Жиззах" эркин иқтисодий зонаси вилоят саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда бу ерда юк ва енгил автомобиллар учун тормоз колодкалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, кир ювиш машиналари, чангюткич, микротўлқинли печь, светодиодли лампалар, полипропилен иплар, ҳар хил ўлчамдаги гиламлар, полипропилен қувурлар, видео ва IP-телефонлар, телекоммуникация ускуналари, интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

2018 йилда ишга туширилиши режалаштирилган умумий қиймати 235,5 миллион АҚШ долларилик (шундан 104,6 миллион АҚШ доллари хорижий инвестиция бўлган) жами 11 та лойиҳани ишга тушириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, "Кенг ассортиментдаги ойна маҳсулотларини ишлаб чиқариш" лойиҳасининг умумий қиймати 110 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа доирасида йилига 4 миллион квадрат метр ойна маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бошқача айтганда, мамлакатимизга четдан келтириладиган 30 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, мазкур иқтисодий зонада хорижий инвесторлар иштирокида амалга оширилаётган мегалойиҳалардан яна бири – "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва "Peugeot Citroen Automotive" гуруҳи ўртасидаги келишув асосида бунёд этилаётган автомобиль заводидир. Ушбу йирик лойиҳа Ўзбекистон автомобиль саноати истиқболига хорижлик ишбилармонларнинг ишончи юксак эканининг яна бир амалий тасдиғидир.

Корхонани барпо этиш учун "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида 45 гектар ер майдони ажратилди. Корхонанинг қурилиш-монтаж ишларини 2018 йил 1 майга қадар якунлаш режалаштирилган. 2019 йилдан эса бу ерда янги русумдаги машиналар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Йилига 16 минг дона замонавий енгил автомобиль тайёрлаш қувватига эга ушбу завод маҳсулотининг 50 фоизи экспорт қилиниши режалаштирилган.

Шунингдек, заводда ишлаб чиқаришни бошқариш, маҳсулот сифати, етказиб бериш ва савдо масалалари замонавий тизим асосида олиб борилади. Энг муҳими, бу ерда дастлабки йилдаёқ автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб беришга ихтисослаштирилган "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси тизимидаги 200 га яқин йирик, ўрта ҳамда кичик корхоналарни жалб қилиш эвазига 50 фоиз маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиз автомобиль саноати ривожида яна бир зарҳал саҳифа очаётган мазкур янги қўшма корхонанинг ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Чунки бу ерда 600 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Вилоятнинг Зафаробод туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш мажмуасида йилига 5 миллион тонна нефть қайта ишланиб, "Евро-5" стандартидаги юқори сифатли мотор ва авиация ёнилғиси, бензол, мазут, битум ва бошқа бир неча турдаги маҳсулотлар олинади. Авиация керосини ишлаб чиқариш мамлакатимиз авиация соҳасини янада ривожлантириш, ҳаво кемаларимизнинг парвоз географиясини кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқалар, туризм салоҳияти ортишига хизмат қилади. Заводда углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича энг замонавий, экологик тоза ва энергетик жиҳатдан самарадор технологиялар ўрнатилади.

Завод қурилишини "Jizzakh Petroleum" қўшма корхонаси ҳамда бош пудратчи – "Enter Engineering Ltd" компанияси ва унинг ҳамкорлари биргаликда олиб боришмоқда.

Янги мажмуага Россия ва Қозоғистон конларидан қазиб олинаётган хомашё нефть қувури орқали етказиб берилади. Маълумки, Омск – Павлодар – Чимкент нефть қувури тармоқларидан бири Жиззах вилоятига яқин ҳудуддан ўтган. Шу ердан янги мажмуагача узунлиги қарийб 100 километрлик қувур ётқизилади. Лойиҳа доирасида қозоғистонлик ҳамкорлар узунлиги 168 километрлик нефть қувурини реконструкция қилиб, насос станциялари ва техник иншоотлар қуриб беради.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, корхона саноат усулида ишга туширилгандан сўнг бу ерда 2 мингта иш ўрни яратилади. Маълумки, нефть-кимё тармоғидаги ҳар бир иш ўрни тармоқ билан боғлиқ бўлган бошқа соҳаларда ҳам янги иш жойларини яратади. Шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, корхона ишга тушиши билан 16 мингдан ортиқ юқори даромадли янги иш ўрни пайдо бўлиши мўлжалланмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу янги завод нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасидаги ноёб саноат объектларидан бирига айланади. Нефть нархининг арзонлашиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғига ижобий таъсир кўрсатади. Хуллас, барпо этилаётган корхоналар нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

КЕНГАШ КЎМАГИДА

Хўжайли туманидаги "Жанабой Жавлон", "Қамиш шоли Хўжайли" ҳамда "Саидбек Хўжайли" фермер хўжаликлари экин майдонлари ҳудудидан автомагистрал кесиб ўтиши белгиланиб, фермер хўжаликларининг боғ ва дарахтлари, экинларига зиён етказилди.

ФЕРМЕРНИНГ ДОДИНИ ЭШИТАДИГАНЛАР БОР

Қонун устуворлиги таъминланган, адолат қарор топган жамиятда ҳеч ким ноҳақ жабр чекмайди, зарар кўрмайди.

Энди келтирилган зарарни ким қоплайди, биз бу масалада кимга мурожаат қиламиз, дея фермерлар ўзаро кенгашиб, ўтган йилнинг февраль ойида етказилган зарарни ундириб бериш бўйича ариза билан ўша пайтдаги Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгашига мурожаат қилишади. Кенгашнинг шартномавий-ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси томонидан мазкур ариза ўрганиб чиқилади. Ўрганиш натижалари давомида ҳақиқатан ҳам мазкур фермер хўжаликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши "Ягона буюртмачи хизмати" Инжиниринг компанияси томонидан зарар етказилгани аниқланади. Яъни, "Қамиш шоли Хўжайли" фермер хўжалигига 42 ярим миллион сўмдан зиёд, "Жанабой Жавлон" фермер хўжалигига салкам 30 миллион сўм, "Саидбек Хўжайли" фермер хўжалигига 14,5 миллион сўмга яқин зарар келтирилганди. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгаши томонидан ўтган йилнинг 25 февраль куни Нукус туманлараро иқтисодиёт судига даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризаси 2017 йил 12 апрель куни бўлиб ўтган суд мажлисида кўриб чиқилиб, фермер хўжаликларига етказилган зарарни ундириш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилди.

– Ҳудудимизда автомагистрал қурилиши муносабати билан бузилган боғ ҳамда дарахтларга келтирилган зарар "Қорақалпоғистон беғараз баҳолаш" МЧЖ томонидан 30 миллион 827 минг 817 сўм деб, баҳоланганди, – дейди "Жанабой Жавлон" фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Жанабоев. – Уни ундира олмай, роса сарсон бўлдик. Охири, Қорақалпоғистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ариза билан мурожаат қилдик. Кенгаш мутахассисларининг амалий ёрдами билан бизга етказилган зарар ундирилди. Бунинг учун уларга миннатдорлик билдирамиз.

Энди дўппини бошдан олиб, бир ўйлаб кўрайлик. Не-не машаққатлар, не-не орзулар билан боғ яратиб, дарахт ўстирган ушбу фермерлар нима учун сарсон бўлиши керак? Нега қилган ҳалол меҳнатларига куйиб қолиши керак? Хўп, автомагистрал қурилиши белгиланган экан, нега мутасаддилар ҳамма томонини ўз вақтида ҳисобга олишмади? Ҳужжатлаштириш ишлари олиб борилаётганида, нима сабабдан бу жиҳатларга ҳаққоний ва ҳуқуқий баҳо берилмасдан қолган? Берилган бўлса, нега фермерлар сарсон бўлиб, бу ишлар судгача судралиб борди? Хўш, бунга бугун ким жавоб беради? Ўйлаймизки, мутасаддилар бундан тегишли хулоса чиқаришади.

– Ўтган йил фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг шартномавий-ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси Зийнатдин Нуратдинов. – Жумладан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга 11 миллиард 780,3 миллион сўмлик 247 та даъво аризаси киритилиб, шундан 11 миллиард 680 миллион сўмлик 241 та даъво ариза фермерлар фойдасига ҳал этилди. Қолган даъво аризалар ҳам бугунги кунда суд томонидан кўриб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатига яраша муносиб рағбатлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Зеро, деҳқонини сийлаган, унинг меҳнатини қадрлаган эл кам бўлмайди.

Эртаю кеч даласидан чиқмай ҳалол меҳнат қилаётган, замин билан тиллашиб, ризқ-рўз ундираётган деҳқонини суйган халқнинг турмуши ҳамиша фаровон бўлади. Шундай экан, деҳқону фермерларимизни ҳар қанча эъзозласак оз. Улар борки, дастурхонларимиз тўкин, эгнимиз бут, турмушимиз обод!

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон вилояти

ҲАҚИҚИЙ ТАДБИРКОР ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Пахтаободликлар тадбиркор эл. Уларнинг меҳнатини кузатсангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Кейинги вақтда ишбилармонликка кенг йўл очилиши уларни янада илҳомлантириб юборди. Туман тадбиркорлари кўплаб ютуқларни қўлга киритишди.

Пахтаобод туманининг дарё ва сой ўзанларида азалдан шоли етиштириш анъанаси мавжуд эди. Кейинги вақтда пахта ва ғалла етиштириш майдонлари нисбати тенглашгани ҳисобига такрорий экинлар, жумладан, шоли экиш имконияти янада кенгайди. Илғор тажрибалар амалиётга киритилгани боис ҳосилдорлик аввалги вақтга нисбатан эллик фоизгача ошди.

Ҳозирда шоликорлар уруғ сепишмайди. Шоли кўчатини ўтказишади. Бунинг натижасида уруғлик ва сув сарфи салмоқли миқдорда қисқаради. Шолининг пишиб етилиши ҳам олдинга силжийди. Энг муҳими, ҳосилдорлик ортади. Гектаридан 65-70 центнердан шоли олинади.

Шоличиликнинг равнақ топиши янги иш ўринлари яратишга ҳам сабаб бўлди. "Беҳзод Ар-Раззоқ" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Раззоқов биринчилардан бўлиб Хитой технологияси асосида шоли оқлайдиган цех барпо этди. Гуруҳнинг сифати мижозларга маъқул бўлганини кўрган фермер ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтириб, тегирмон, пахта титиш ускунасини ишга туширди. Бугунги кунда ушбу хизмат кўрсатиш мажмуасида 15 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

"Болтабой-Қўчқорвой" фермер хўжалиги раҳбари Расулжон Болтабоев ҳам ушбу йўналишда 15 нафар кишини иш билан таъминлади. Мутасаддиларнинг айтишича, айни вақтда туманда биргина шоличилик ривожи орқали саксондан зиёд обжувоз ишга туширилган.

Худди шундай ижобий ўзгариш ва янги иш ўринлари яратишни ерёнғоқ етиштиришнинг илғор усуллари жорий этилаётганида ҳам кўриш мумкин. Мазкур экин ерни тозалайди ва даволайди. Унинг барги ва илдизи табиий азот тўплайди. Пояси ниҳоятда озуқавий бўлади. Шу боис муболаға билан айтишади: ерёнғоқ еса эти суягига ёпишган қўчқор ҳам бўрдоқига айланади. Ерёнғоқ мағзи ҳамиша харидоргир бўлиб, айниқса, хорижда қандолатчилик учун асосий хомашё ҳисобланади. Ерёнғоқ мағзини ажратиб олишнинг механизациялаштирилганлиги ҳисобига янги иш ўринлари юзага келмоқда.

– Биз ерёнғоқ етиштирар эканмиз, ҳеч қачон бозорга бориб, харидор ахтармаймиз, – дейди "Шукрулло Мажидов" фермер хўжалиги раҳбари Шукрулло Мажидов. – Аксинча, улар бизнинг олдимизга келишади. Негаки, ерёнғоқ мағзига эҳтиёж катта.

Кўплаб фермерлар ва томорқа эгалари эндиликда ноанъанавий усулда бир қатор субтропик мевалар етиштиришнинг ҳам ҳадисини олишди ва уларнинг издошлари кўпайиб бормоқда. Икромжон Носиров бошқараётган "Давр" фермер хўжалигидаги иссиқхонада лимон ва мандарин кўчатлари парваришланмоқда. Дала шийпони ёнидан хўжаликлараро ариқ ўтган. Хўжаликда такрорий экин сифатида шоли етиштирилади. Ҳозирда Икромжон Носиров Вьетнам ёки Индонезия усулида балиқчиликни ташкил этишни режалаштирмоқда.

Ердан самарали фойдаланиш борасида шахсий томорқа эгаларининг эришаётган ютуқлари янада эътиборлидир. "Учқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини ўрамида яшовчи Азамат Қуронбоевнинг мўъжазгина ҳовлиси бамисоли "Ботаника боғи"ни эслатади. "Учкўза" маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлиги билан танилган Ғайрат Эргашевнинг фаолияти ҳам ҳавасга арзийди. Унинг ҳовлисидаги сархил мева дарахтлари, субтропик экинлар хонадонга файз, рўзғорга барака киритмоқда.

Тадбиркорликнинг бошқа йўналишларида ҳам самара кўзга яққол ташланмоқда. Масалан, йил бошида Уйғур қишлоғи марказида 120 иш ўрнига эга бўлган "Бизнес эркин текстиль" корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Собиқ савдо мажмуаси вилоятда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган ва экспорт борасида салоҳияти юқори бўлган "Само" корхонасига ноль қийматида берилган эди. Қисқа муддат ичида унга 2 миллиард 700 миллион сўм инвестиция киритилиб, бу ерда тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Япония ва Туркиядан олиб келинган тўқув ва тикув дастгоҳлари ёрдамида ҳар ойда 25 минг дона кийим тайёрланмоқда. Маҳсулотнинг салмоқли қисми экспортга йўналтириляпти. Корхона раҳбари Сардорбек Ҳожиматовнинг айтишича, "Само" ёрлиғи остида кийим-кечаклар тайёрлаш ҳажми янада ортади. Туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам турдош корхоналар тармоғи кенгаяди.

Яқинда тадбиркор Иномжон Даминов томонидан эски бинолардан бири таъмирланиб, "Нафосат" тикувчилик кичик корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда асосан фермерлар учун этак, бозор учун эса автомобиль ёпқичлари, бўз қоплар тикилмоқда. Ушбу корхонанинг шаклланиши билан имконияти чекланган 40 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарларидан иборат ишчи гуруҳи Пахтаобод туманида бўлди. Аҳоли билан мулоқотлар чоғида давлат идораларига юборилган мурожаатлар, аризалар, таклифлар синчковлик билан кўриб чиқилди. Шунингдек, аҳолининг яшаш тарзи таҳлил этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, беқарорлик оқибатида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб қолган ёки инвестиция киритиш бўйича ҳаракатга киришилмаган. Оқибатда бандлик масаласида талайгина муаммолар бўй кўрсата бошлаган.

Аҳоли билан мулоқотлар чоғида тумандаги кўплаб тадбиркорлар фаолияти билан танишилди. Имкониятлар ўрганилди. Муаммоларга ечимлар изланди, ҳал этилди.

Бугун ишлайман, турмушимни фаровон этиб, элга наф етказаман деган киши учун барча имконият яратилмоқда. Фаолиятда эркинлик бўлса, тадбиркорлар нимага қодирлигини ҳам намоён этмоқда. Демак, барча саъй-ҳаракатлар бир-бирига уйғун экан, эртанги кунга ишонч ортиб бораверади.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz

«Qishloq hayoti»
2018-yil 8-fevral, payshanba **16 (8879)-son**

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИ КУНИ

«Кимки деҳқонлик айлади пеша...»

Деҳқончилик доимо касбларнинг улуғи бўлиб келган. Деҳқоннинг хизматидан руҳланмаган, эътироф этмаган аллома йўқ десак ҳам бўлади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида ҳам деҳқоннинг чеккан заҳмати эътибордан четда қолган эмас.

Шоир "Ҳайрат ул-аброр" достонида зироат аҳлини ҳурмат билан тилга олади.

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,
Одамий хокийни гулистони сунъ.

Бу ўринда "деҳқон" атамаси яратувчининг санъати ҳам саноати эканига ишорани сезиш қийин эмас.

Адиб деҳқончиликнинг сир-синоатларини, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини чуқур билган ва юксак қадрлаган сиймо сифатида кўз олдингизда намоён бўлади. Бунга мисол сифатида "Маҳбуб ул-қулуб" асарини келтириш мумкин. Асарнинг ўттиз биринчи фасли "Деҳқонлар зикрида" деб номланади.

Тўғри, ризқни тангри беради. Бандадан ҳаракат бўлганидан кейингина баракатнинг берилишини биламиз. Навоий деҳқонни ана шунга йўл очиши борасида шундай дейди: "Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар. Агар ростлиқ ва салоҳи бордур, уйи солиҳ ноқасидин намудордур. Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоқки одам".

Деҳқоннинг чеккан заҳмати ва меҳнатини шарафлаш ва қадрлаш заруратини Навоий ҳазратлари шундай уқтиради: "Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат. Деҳқонки, тузлик била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар..."

Эътибор қилган бўлсангиз, Навоий деҳқоннинг ерга уруғ қадашидан тортиб ҳосил йиғиб олингунга қадар бўлган машаққатли жараёнини шундоқ кўз олдингизда жонлантира олган. Бу жумлалар ҳам ҳақиқат эканлигини, деҳқон донининг баракаси мўллигини оддий бир мисолда кўришимиз мумкин. Бир дона дон униб чиқса, майса ўн саккиз-йигирматагача туплайди. Ҳар тупдаги бошоқда қирқдан зиёд дон бўлади. Демакки, тадрижий ҳисоб-китобда ҳам кўринадики, бир дона бошоқ етти юзга етиши мумкин.

Деҳқончиликнинг тарихи билан боғлиқ ибратли мулоҳазаларини назмий йўсинда ифода эта туриб, энг қадимий касб зироатчилик бўлиб, у Одам алайҳиссаломнинг касб-кори билан боғланганлигини шундай келтиради:

Кимки деҳқонлик айлади пеша,
Дағи нон бермак ўлди анга шиор.
Бўйла кимса улувви рифъатдин,
Одам ўлмаса, одамий худ бор.

Бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг туб негизида эл маъмурчилиги ва халқ фаровонлигини ошириш ётганини яққол кўрамиз.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда биринчи марта Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни таъсис этилиб, кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари соҳа ходимларини "қалбимга энг яқин инсонлар, қадрдонларим", деб атади.

Ҳа, деҳқоннинг иши шундай шарафли. Шунинг баробарида унинг ўзига хос машаққату заҳматлари ҳам бор. Қолаверса, табиат ўзининг инжиқлигию саховатини намоён этиб туради. Шу сабаб, бободеҳқонлар айтишадики, йил йилга ўхшамайди. Шундай жараёнда тажриба ўз сўзини айтади, омилкорлик асқотади. Ҳақиқий деҳқонгина ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиради.

Ҳазрат Навоий зикр этганидек: "Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин бахраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг бирла шод. Кабутарларга андин мастлиқ, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлиқ. Ўроқчига андин рўзи, бошоқчининг андин ёруб кўзи. Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўқ, кадхудо тўқлуги ҳам андин ўқ. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Итмақчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, ғурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин ҳузури тоат, обидга андин лофи қаноат. Сойил харитасида андин муҳайё ақтои шоҳ хизонасида андин баҳру кон матои. Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдир, ўзга ишлари таърифи маҳолдир".

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди.

«СЎЗ КЕЛИБ АВВАЛУ ЖАҲОН СЎНГРА...»

Навоий сўзнинг нафосатини, қадрини, нутқ одобини, мулоқот ўрнини, унинг барча баланд-пастини билишни инсонлардан талаб қилган ва жамиятга англатиш борасида ҳам амалий, ҳам назарий фикрларни илгари сурган. У "Хамса" достонларида ("Фарҳод ва Ширин"дан ташқари) "Сўз" таърифига махсус боб бағишлайди. Шунингдек, достонларнинг Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийга бағишланган бобларида, "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб", "Назм ул-жавоҳир" ва бошқа асарларида сўзнинг улуғворлиги, жозибаси ва таъсир кучи ҳақида фикрлар билдирган.

Навоий сўзни мазмун-моҳияти жиҳатидан асосан иккига бўлган:

1. Тангрига хос бўлган сўз.

Шоир "сўз"нинг илоҳийлиги ва қадимийлигидан баҳс юритиб, инсонни ҳайратга солувчи Қуръони Каримдаги балоғат ва фасоҳатли сўзларни, "Лавҳ ул-маҳфуз"даги тақдир битикларини, бутун коинотни яратиш учун Тангри томонидан "кун" ("бўл") амри (сўзи) нинг содир бўлиши кабиларни мисол қилиб келтиради.

У бутун борлиқ Тангрининг "кун" яъни "бўл!" амри билан яралгани ва "бас аввалги садо" сўз бўлгани ва ҳар бир овознинг "ибтидоси" ҳам сўз эканини айтади. Унга кўра сўз коинотдан ҳам қадимийроқ ва яралиш аввало сўздан бошланган. Сўз илоҳий хитобдир.

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра.

2. Башариятга хос бўлган сўз.

Навоий "Назм ул-жавоҳир"да инсон билан ҳайвон ўртасида сўз туфайли "тафовут" борлигини таъкидлаш билан бирга, "инсонларга ақллари даражасида сўзланг" ҳадисини далил келтириб, сўзнинг аъло (энг олий), авсат (ўрта) ва адно (энг паст) "маротиб" (мартаба, даража)лари борлигини кўрсатиб ўтади. Шоир таъбирича, энг улуғ ва балоғатли сўз "Малики қадим" (Аллоҳнинг) каломи бўлса, "ва мундин сўнгра" "нубувват тили", "рисолат лисони"га соҳиб бўлган ҳазрат Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзи, кейин тўртинчи халифа бўлган ҳазрат Алининг назм ва насрга оид сўзлари, сўнгра "машойих ва авлиё"ларнинг сўзларидир. "Ва авсат (ўрта) сўз жамоати"га қадру даражаларига кўра фасоҳат ва балоғат билан сўзловчи шоиру фузалолар киради. "Ва адно (энг паст) сўз аҳлига "авом такаллуми" ва барча оми одамларнинг сўзлари киради.

Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да Қуръон ва ҳадис тили бўлган араб тилининг балоғатини мақтайди. Барча тилларнинг "маншаи" (сарчашмаси), "асл ва мўътабар" бўлган туркий, форсий ва ҳиндий тилларга тўхталади. Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан турк тили, Сомдан форс тили ва Ҳомдан ҳинд тилининг тарқалгани, шунинг учун "таворих аҳли" Ёфасни "Абу-турк", Сомни "Абул-фурс", Ҳомни "Абул-ҳинд" деб атагани ҳамда учала ўғил қайси юртларга бориб тилни ёйгани ҳақида маълумот бериб ўтади.

Навоий "Ғаройиб ус-сиғар" девонасида "албатта, шеърда ҳикмат ва баёнда сеҳр бор", деган ҳадис шарофатидан "шуаро" даражаси ҳакимлар мартабасига, "баён рутбаси" сеҳр даражасига тенглаштирилганини айтади. Навоийга кўра, сўз билан инсон иймон шарофатига эга бўлади ва сўнгги нафасда ҳам сўз нажоткордир. Бу сўз тавҳид калимаси бўлиб, ким сўнгги нафасда айтса, абадий нажот топади. Сеҳрли сўз ва илоҳий калом икки кишига – бири Муҳаммади арабий, иккинчиси Исо Масиҳга хосдир. Бири сўзда мўъжиза кўрсатади ва нозик маънолари билан элни ожизу ҳайрон қолдирди. Иккинчиси, сўз билан ўликка жон ва танга руҳ киргизди.

Навоий сўзни таърифлаб, "жисм бўстонидаги дарахт", "руҳ дарахтларидаги мева"дир дейди. У "Лайли ва Мажнун"да ёзадики: "Сени дур дейдилар, Бу – маъқул гап эмас. Сен руҳ жавҳарисан, дур – қуруқ сувнинг ўзинку. Демак, сени дурга ўхшатиш худди дурни шудрингга ўхшатишдир". Шоир ташбеҳларни кучайтириб, сўзни айтиб совимайдиган тарона (қўшиқ)қа, сарфлаш билан адо бўлмайдиган хазинага, нури камаймайдиган қуёшга, олаверган билан суви қуриб қолмайдиган денгизга ўхшатади. Шоир сўзни ўнлаб фавқулодда ташбеҳлар билан таърифласа-да, аммо сўз тартибсиз ва маъносиз бўлса, қадрсиз эканини ҳам таъкидлаб ўтган.

Танида руҳи бор одам сўзга муҳтож. Сўз барчанинг "кўнгиллар қутисидаги жавҳар" ва "оғиз қутисидаги гавҳар"дир. Яхши сўз ўлган одамнинг танига руҳ бағишласа, ёмони ва заҳарлиси тандаги руҳни ўлдиради:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

Сўз туфайли Халил ўзини ўтга ташлаган. Жаброил ҳам сўз юкига ҳаммол бўлган. Инсон "ашрафул махлуқот", яъни яратиқларнинг энг улуғи сифатида сўзлаш қобилияти билан ҳайвондан фарқ қилади. Навоий "Назм ул-жавоҳир"да сўзнинг фазилати ва "юки" ҳақида айтадики:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонга хабар жондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.

Навоий сўз, нутқ ва тил ҳақидаги қарашларини "Маҳбуб ул-қулуб"да янада очиқроқ ва батафсилроқ баён этади: "Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар. Кўп дегувчи – мумил (малол келтирувчи) мукаррар дегувчи – лояъқил (ақлсиз). Бошқа бир ўринда "сўзни узотмоқ ҳожат эмас" ва сўзни чўзилиб кетишини аҳли маънилар "мустаҳсан (маъқул кўрилган) демас", дейди. Чунки тандаги касалликларнинг моддаси (сабаби) "кўп емакдур" ва қалб касаллигининг моддаси "кўп демак"дир. "Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсга маъмурлуқ". Олдига келган нарсани емоқ "ҳайвон иши", Оғзига келган нарсани айтмоқ "нодон иши". Кўп сўзлаган кўп хато қилади ва нотўғри сўздан бошга бало келади.

Навоий назм ва наср услубида битилган сўзларнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталган, айниқса, ишқ ҳарорати билан йўғрилган сўзга юқори баҳо берган. Шоир сўз ва сўзловчига нисбатан бир неча шартлар қўяди:

1. Инсон ҳар қанча сўзлаш ихтиёри бўлса ҳам билиб қўйсинки, сўзнинг яхшиси қисқа ва лўндасидир;

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сўзким десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисорида дурур.

Навоийнинг сўз ва сўзловчига нисбатан бир неча талаблари бор:

2. Сўзлаганда рост ва қисқа гапириш керак. "Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас".

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.
Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

3. Инсонлар билан мулойим ва юмшоқ муомала қилишдир. "Назм ул-жавоҳир"да айтилишича, "Чучук сўз" туфайли инсонлар меҳр-оқибат кўрсатадилар, ҳатто душман ҳам дўстга айланиши мумкин. Аксинча, "қаттиқ сўз" қўрс ва қўпол муомала, "эл кўнглига озор" беради. Дўстлар душманга айланади. "Чучук тил" аччиғлиққа эврулса барчага зарар етади. Чунки ҳалол бўлган қандни "мускир (маст қилувчи) бода"га айлантирсалар "ҳаром" бўлади.

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки агёрдурур, ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

3. Инсонларга яхшилик қилишнинг уддасидан чиқмаса, уларга яхши сўз, яхши муомала қилиш, омонат сўзни ошкор қилмаслик керак.

4. Зарурат бўлмаганда ёлғон гапирмаслик керак. Навоий наздида сўзларнинг энг ёмони ёлғон сўздир. Ёлғончи Тангрининг олдида ҳам халқнинг олдида ҳам энг ёмон бандадир. Сўз орқали дилдаги тилга чиқади, ундан инсон ҳолати, орзу ҳаваси англашилиб туради:

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин.
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин –
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

"Маҳбуб ул – қулуб"да ёзилишича, "тил ва кўнгул" инсоннинг икки улуғ аъзоларидан ҳисобланиб, "Кўнгул махзани" (хазинаси)нинг қулфи тил ва ул махзаннинг калити сўздир.

Навоий "Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз!" каби ҳикматли ўгитлари билан тил миллатнинг кўзгуси ва маънавий мулки экани, унинг ҳурматини жойига қўйиш кераклигини таъкидлаб ўтади. Ўз даврида котиблардан ҳам сўзга хиёнат қилмасликни талаб қилган:

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.

Шоир "Маҳбуб ул-қулуб"да лисоний бирликни ташкил этувчи "тил" ва "нутқ"қа ҳам аниқ ва лўнда таъриф беради.

Навоий сўз қадри ва аҳамиятини теран идрок қилган буюк санъаткор сифатида улардан баҳс этди. Амалда ўзи нодир ва бетакрор асарлари мисолида сўзнинг қудрати ва сеҳрини намоён қилди.

Сайфиддин РАФИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармаси 2018 йилда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш бўйича қуйидаги гидротехник объектлар бўйича танлов савдоларини эълон қилади:

1.Объект. Ўнг қирғоқ иншооти. Бинонинг томини таъмирлаш ишлари:
Ишнинг бошланиши – 2018 йил февраль
Ишнинг якунланиши – 2018 йил март
Ишнинг нархи ҚҚС сиз – 26 916 355 сўм

2.Объект. Туямўйин гидроузелидаги ёритгичларни таъмирлаш ишлари:
Ишнинг бошланиши – 2018 йил март
Ишнинг якунланиши – 2018 йил декабрь
Ишнинг нархи ҚҚС сиз – 29 500 000 сўм

3.Объект. Муҳандислик ҳимоя дамбалари. №4, №7 ва №8-Насос станцияларининг томини таъмирлаш ишлари:
Ишнинг бошланиши – 2018 йил март
Ишнинг якунланиши – 2018 йил август
Ишнинг нархи ҚҚС сиз – 72 703 534 сўм

4.Объект. Суптонсанжар дамбаси. 430 ША козловой кран ва 429 ША стационар механизмларни, наладка қилиш хизматлари:
Ишнинг бошланиши – 2018 йил март
Ишнинг якунланиши – 2018 йил декабрь
Ишнинг нархи ҚҚС сиз – 6 820 981 сўм

Таъмирлаш ишларини бажариш мақсадида, ўз тижорат таклифини берган корхоналарга, бошқарма томонидан экспертиза хулосаси олинган лойиҳа-смета ҳужжатлари тақдим қилинади.

Танлов савдоларида қатнашувчиларга қуйидаги шартлар қўйилади:
– шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуқка эга,
– ўхшаш иншоотларни таъмирлаш-тиклаш бўйича тажрибаси борлиги,
– етарли касбий ва техникавий малакага (мутахасисларга) эга бўлишлари,
– объектлар Туркманистон давлати ҳудудида жойлашганлиги сабабли танлов савдоларида ғолиб чиққан корхона, ташкилотлар махсус рухсатномага эга бўлишлари зарур.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Питнак шаҳри.
Телефон: (0-362) 305-47-79, Факс: (0-362) 305-49-06.
Электрон почта: tuyamuyungu@agro.uz
Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармаси маъмурий биноси.
Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

TRAKTORBOR.UZ
«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЛЕРИ
PLANETA SERVIS

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

"INTERLINK" МЧЖнинг (СТИР 303114890) устав фонди 145 000 000 сўмдан 100 000 000 сўмга камайтирилади. Маълумот учун тел.: (97) 700-46-84.

Тошкент вил. Қибрай т. "Ягона дарча" марказида рўйхатга олинган ЯТТ "RAMUZIDINOV QUTBUTDIN SALOXIDDIN O`G`LI"га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган "ULUG`BEK RAVNAQ FAYZ" МЧЖнинг устав фонди 977 912 241 сўм 89 тийиндан 920 882 280 сўмга камайтирилади.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғининг "Н.Обидов" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "QAMAR BIZNES" МЧЖдан туман захира ерлари ҳисобига олинган қишлоқ хўжалик харитасининг 99- ва 135к-контурларида жойлашган жами 5,74 га, шундан 4 га. ер майдонида жойлашган "Боғзор" ва 1,67 га. ер майдонида жойлашган "Узумзор".
Бошланғич баҳоси – 13 254 800 сўм.

2. Тошкент вилояти Тошкент тумани Юнусобод қишлоғи ҳудудидаги "Fуломмаҳмуд барака" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "SLEKTA AGRO FAYZ" МЧЖ балансидаги жами 17,23 га. ер майдони, шундан 16,25 га. боғзорнинг бир қисми, яъни 3,12 га. ер майдонида жойлашган 2000 туп олма дарахтларидан иборат "Боғзор".
Бошланғич баҳоси – 14 498 945 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2018 йил 12 март куни соат 15:00 да Тошкент тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади.

Мазкур объектлар ушбу кунда сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2018 йил 6 март, 28 март, 12 апрель кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг ҳисобрақамига ("Ипак йўли" банкнинг Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808) тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:
– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.
– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри Миробод тумани Авлиё ота кўчаси 13-уйнинг 2-қаватида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади ва такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.
Лицензия № RR – №0008.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон	–	(+99893) 630-73-03;
Бухоро	–	(+99891) 401-29-59;
Жиззах	–	(+99893) 940-10-78;
Навоий	–	(+99891) 332-50-99;
Наманган	–	(+99893) 948-53-86;
Фарғона	–	(+99890) 407-76-03;
Самарқанд	–	(+99893) 994-57-08;
Сирдарё	–	(+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	–	(+99890) 644-44-11;
Тошкент	–	(+99890) 976-39-58;
Хоразм	–	(+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	–	(+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21647 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **23.40**

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12 456